

Ислом КАРИМОВ:

Замонлар ўтаверади, даврлар ўзгараверади, аммо Ватан абадийдир. Ватанни севиш, суюб ардоқлаш, бор вужудинг билан жўшиб куйлаш энг олий бахтдир.

Мустақиллик дегани шуки, бизлар, асрлар оша бировларнинг оғзига қараб яшаган халқ, ниҳоят, ўз тақдиримизни, ҳаётимизни, келажакимизни ўз қўлимизга олдик. Энг муқаддас вазифа — шу буюк неъматни қўлдан бермаслик.

МУСТАҚИЛЛИК ҲОЯТ ТОТЛИ СЎЗ...

Публицистика

...Биз қарам эдик. Аждодларимиз кейинги икки ярим минг йилликнинг минг йили мобайнида ўз эркидан маҳрум бўлиб, ажабийлар ҳуқуқдорлиги остида яшаган.

Ўтган асрнинг ўрталарида Россия империяси юртимизни босиб олиб, ўз мустақиллигига айланганди. Шўролар ҳокимияти эса яна бизни қарам ўлкага маҳкум этди...

Тарихдан маълумки, ҳеч бир мамлакат, ҳеч бир миллат ўз мустақиллигига курашларсиз, қаршиликларсиз, қурбонларсиз эришмаган. Мустақиллик миллатнинг, инсоннинг ақл-заковати, ғайрат-шижоати, буюк жасорати билан қўлга кирилади.

Демак, мустақиллик собик тоталитар тузумнинг бизга осонгина берган «инном-хосони» эмас, балки бу халқимизнинг узок йиллар олиб борган матонатли курашининг натижасидир.

Шунинг учун ҳам Мустақиллик ғоят тотли сўз... У ғоят қадри ва ғоят улкан бахт. Унга етганлар бор, етмаганлар бор...

Баъзилар мустақиллик гўё бир тарихий тасодиф оқибатида осонгина, ҳеч қандай курашларсиз қўлга киритилди, дея ҳали ҳамон даъво қиладилар. Ўн йил бўлди, ҳамон мустақиллик, мустақиллик дея гапираверамизми ҳам дейишди.

Ҳа, гапираверамиз. Чунки токи ҳар бир одам унинг моҳиятини тўла-тўқис тушунмас, мағзини чака олмас, қадрига ета билмас экан, биз тарихчилар, олимлар, журналистлар, воизлар бу ҳақда гапираверамиз, ёзаверамиз. Ҳеч муболағасиз айтиш мумкинки, истиқлол халқимиз олиб борган узок ва матонатли курашларининг қонуний натижасидир. Эндиги асосий масала эса юрбосимиз айтганларидек, «Мустақилликни сақлаб қолишимиз, уни келажак авлодларга омон етказишимиз, қадрини тўғри тушунишимиз керак».

Шунинг учун ҳам Мустақиллик ғоят тотли сўз...

тақиллик ғоят тотли сўз...

Халқимиз ҳеч қачон қарамликка бўй эгмаган. Ҳамиша озодлик учун курашиб келган. Бу ўринда тарихга мурожаат қилиш мумкин. Широқ, Тўмарис, Спитамен, Муқанна, Жалолиддин Мангуберди, Темур Малик бошчилигидаги эрк, озодлик, мустақиллик, қарамликдан қутулиш учун бўлган курашлар, 1874-1876 йиллардаги Пўлатхон қўзғолони, 1892 йилги Тошкент қўзғолони, 1898 йилги Дуқчи Эшон қўзғолони, 1916 йилги Жиззах қўзғолони, жадидлар ҳаракати, советларга қарши олиб борилган истиқлолчилар ҳаракатлари шулар жумласидандир. Буларни унутиб бўладими?

Шунинг учун ҳам Мустақиллик ғоят тотли сўз...

20-30 йилларда Шўролар давлатида авторитаризм ва тоталитаризм кучайди, ҳар бир шахс устидан назорат ўрнатилган эди. Шундай шароитда ҳам мустақиллик учун кураш ғояси ватанпарварлар қалбидан ўчгани йўқ. 30-йилларда истиқлолчилар мустақиллик учун бош кўтардилар. Аммо уларнинг ҳаракати зўравонларча бостирилди. КПСС деб аталган сиёсий машина бу кўтарган ҳар қандай арбобни «ҳар боб» билар уради, унга қўшиб бутун халқни мажбурлаб ташлайдиган ҳолатда эди.

Миллатимизнинг илгор зиёлилари, маърифатпарвар инсонлари мустақиллик учун курашнинг давом эттиравердилар. Аммо уларнинг кўпчилиги қатағонга учради. Шўро давлатининг максорона сиёсати тўғрисида 40 минг киши қатағон қилинди, бадарга қилин-



ди. Ўз халқининг озодлиги учун курашган Абдулла Қодирий, Чўлпон, Фитрат, Усмон Носир ва яна кўплаб ватанпарварлар шахид кетдилар. Ахир буларни унутиб бўладими? Ана шунинг учун ҳам Мустақиллик ғоят тотли сўз...

50-йилларнинг иккинчи ярмида шахсга сиғиниш қаттиқ қораланди. Жамиятда янгилашни шабдаси эсгандек, демократиянинг гунчалари пайдо бўлгандек туюлди. Ижтимоий ҳаётда ва фикрлаш жараёнида янги ғоялар, ёндошувлар туғилди. Катагон қилинганларнинг бир қисми реабилитация қилинди, яъни оқланди. Аммо бунга тезда кўз тегди. Кўп ўтмай консерватив кучлар ғолиб чиқиб, эски ахлоқга қайтиди. Жамиятда силжиш бўлмади. Гапирадиган гапни ҳам етти марта эмас, етмиш марта ўйлаб гапирадиган ҳолатга тушиб қолинди. Халқ исканжага олинди. Миллий ўзгичилигини англаб олиш имконияти бўлмади. Мустақиллик ғоят тотли сўз...

Аммо Ўзбекистонга марказдан юборилган «десантчи-кадрлар» позицияни, вазиятни қўлга олган эдилар. Улар айрим ношўр раҳбарларимизни турли дўқ-лўписа билан озғини ёпиб қўйган эдилар. Натижада «бош кўтарганларга» яна қатағон уюштирилди. Турли тўхмат ва бўҳтонлар би-

миллий гуруримиз, урф-одатларимиз, инсоний қадриятларимиз топталди. Аммо шунда ҳам халқимизнинг илгор зиёлилари, ватанпарварлари мустақиллик ғояси билан яшадилар, зимдан курашдилар. Ана шунинг учун ҳам Мустақиллик ғоят тотли сўз...

80-йилларнинг иккинчи ярмида совет жамиятини «қайта қуриш» жабҳаси бошланди. Ошқоралик, демократия, фикрлар хилма-хиллиги вужудга келди. Одамлар саломат, бўлса ҳам дилидагини очиб-ойдин айтиш имкониятига эга бўлгандай бўлишди. Халқим ҳамон ўз дилидаги ғояси — мустақил бўлиш ғояси билан яшар эди. Бу ўлмас ғоя эди. Ниҳоят у бош кўтарди. Мустақиллик учун ҳаракат бошланди.

Аммо Ўзбекистонга марказдан юборилган «десантчи-кадрлар» позицияни, вазиятни қўлга олган эдилар. Улар айрим ношўр раҳбарларимизни турли дўқ-лўписа билан озғини ёпиб қўйган эдилар. Натижада «бош кўтарганларга» яна қатағон уюштирилди. Турли тўхмат ва бўҳтонлар би-

лан 30 мингга яқин одам жиний жавобгарликка тортилиб, аксарияти қамалди. Айримлари отуғга ҳукм қилинди. Аммо озодлик учун кураш давом этарди... Ана шунинг учун ҳам Мустақиллик ғоят тотли сўз...

Ҳаёт қонуни шундай: ҳар қандай зўравонлик вақтинчадир. Тарих буюк ҳакам. Ҳар бир нарсанинг вақти-соати бор. Қўлаб халқларни асоратга солган мана-ман деган зўравон империялар ҳам тарих олдида парчаланиб кетган, паррокандага учраган. 80-йилларнинг охири, 90-йилларнинг бошида СССР деб аталмиш қизил империя ҳам ичидан чириб, чок-чокидан сўкилди. Яккахоким бўлган партия ҳам уни ушлаб қололмади...

Шундай бир алғов-далғов пайтда элим деб, юртим деб яшаётган фидойи инсон майдонга отилиб чиқди. Бу тарих тақозоси, Худонинг иродаси, халқимизнинг пешонасидаги Нур эди. Республикада раҳбарлик тизимини қўлга олган Ислом Каримов тезда кўпгина адолатсизликларга

чек қўйди, бегуноҳ қамалганлар озодлик юзини кўрди. Адолат, ҳақиқат тикланди. Одамларда ишонч пайдо бўлди. Уларнинг руҳи кўтарилди. Ана шунинг учун ҳам Мустақиллик ғоят тотли сўз...

Эсимда, 1991 йил 14 август куни «Литературная газета» Президентимиз Ислом Каримов ҳақида шундай ёзган эди: «Бу одам Ўзбекистонни жуда қалтис пайтда қабул қилиб олди. У маҳкамачига нисбатан кўпроқ курашчиға ўхшайди. Фарғонада меҳсети туркларни ўлдиришганда, ёндириб юборишганда бир пайтда ана шу саховатпеша водийда мусулмонларни ўзларига киргизиб олишнинг дахшати фикридан қайтариб қолмишга ҳеч кимнинг қурби етмай турганди. Янги раҳбар нима қилиши мумкин эди! Рўй бераётган ҳодиса ҳақида аниқ ахборот йўқ. Ниҳоят, тартиб-сизиликларни тўхтатишда тажриба йўқ — булар ўша пайтда кимда бор эди!... Каримов йўл танлади...

балки танлаб ўтирмагандир ҳам. Биринчи котиб этиб сайланганидан бор-йўғи бир ярим кун ўтгач, Фарғонага учиб борди. Котиб олган соқиллар бўлиниб қарата: одамларни ўлдиришган жойларга боринлар, деди. Обком қаршида турган бронетранспортерларни ҳам аланга ичидан қолган даҳаларга жўнатди. Фақат берилган ахборотлар билан кифоя қилиб қолмасдан воқеаларнинг ичига ўзи кириб борди. «Волга»да водийнинг шаҳар ва қўрғонларини кезиб чиқди, ёнига эса соқчи ўрнига обком котиблари ва маҳаллий ҳокимият вакиллари билан бирортасини олاردир.

Водийда, республикада тезда шундай овоз тарқалди: янги «биринчи» — жасур одам экан. Шунинг ўзи катта гап эди».

Ҳа, шундай бўлганди. Ҳақиқатдан кўз юммоқ мушкул. У бундан ташқари яна қанчадан-қанча тўлоқларни, машамаларни тинчлик йўли билан тинчитди. Буларнинг ўзи бўлмади, азиз дўстим. Буларнинг ортида катта мардлик, жасорат, Ватан, халқ учун, унинг озодлиги учун курашишдек зўр матонат, катта ирода эгасининг машаққатли кураши ётибди.

Ана шунинг учун ҳам Мустақиллик ғоят тотли сўз...

Азиз дўстим! Мен ушбу кичик мақола орқали шу шуқуқли дамларда, байрам арафасида мустақилликнинг моҳиятини қисқача бўлса-да тушунтира олган бўлсам ғоят бахтиёрман. Зеро шоир тили билан айтганда:

Ватандан айрича бахт бўлмас зинҳор,

Сен ундан топарсан бахтининг ўзини.

Хув, дала-қиллардан ахтариб илк бор,

Юракка кўчирдим Ватан сўзини.

Ватан — юракларда кўз очган бўлоқ,

Асрайлик ҳар недан сенинг чашмининг.

Дунё саҳнасида яралган бир бог,


Юрак қони билан чиздим расмининг...

1991 йил. Августнинг бутун дунёни титратган уч куни ичида Ўзбекистон Истиқлол йўлини танлади. 1991 йил 1 сентябрь истиқлол тарихига зарҳал ҳарфлар билан битилди. Халқимизнинг азалий орзуси ушалди. Ўзбек халқини истиқлол сари етаклаш сардор — Президент Ислом Абдуғаниевич Каримовга насиб этди. Тақдир тақозосига кўра ана шундай оғир дамларда, агар таъбир жоиз бўлса Уйғониш даври жараёнлари бошида И. А. Каримовдек қатъиятли, ҳалол, пок, мард сиёсатдон инсон турди.

Ундаги қатъий ирода, фаоллик, ислоҳий табиати, ирсий ички демократизми, ҳар қандай шароитда ҳам ўзлиги содиқлик, ҳаттолардан тўғри ҳулоса чиқара олиши, узокни кўра билиш қобилияти тўғрисида Ўзбекистон, Ўзбек халқи ривожланиш йўлига, ўзига хос ва мос бўлган барқарор тараққиёт йўлига чиқиб олди. Президент мамлакат ривожланишининг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий йўналишларини ишлаб чиқди. Халқимизнинг ўзига хос хусусиятлари ҳамда илгор жаҳон тажрибаларини муассасалаштирган иқтисодий ислохотларнинг янги моделини яратди. Бу ривожланиш йўли иқтисодиётнинг сиёсатдан устунлиги, қўнун устуворлиги, ўтиш даврида давлатнинг бошқарувчилик роли, ислохотларни босқичма-босқич амалга ошириш, кучли ижтимоий ҳимоя каби машҳур беш тамойилни ўз ичига олади ва у дунёда «Ўзбек модели» деб эътироф этилган.

Ислом Каримовнинг буюк тарихий хизмати ҳам ана шунда. У ўзининг оқилона сиёсати билан Ўзбекистонни буюк келажак сари етакламоқда... Ох, Мустақиллик қандай тотли сўз...

Тўхтамурод ТОШЕВ.



БАЙРАМГА СОҒИНЧ БИЛАН БОРАЁТГАНЛАР

Ватанимиз мустақиллигининг ўн йиллиги ҳамда кўҳна Термиз шаҳрининг 2500 йиллиги байрамларига Сурхондарё вилоятида олиб борилаётган тайёргарлик ҳуусида вилоят маданият ишлари бошқармаси бошлиғи Абдурашул Иброҳимов «Туркистон-пресс» муҳбирига қуйидагиларни гапириб берди:

Мустақиллик байрамига тайёргарлик қилиш ҳафтадан кўнунки бир ойлик иш эмас. Хабарингиз бўлса, Термиз ҳайвонот боғи жуда аяқли аҳолига келиб қолган эди. Эндиликда ҳайвонот боғи бутунлай қайта

барпо этилаётир. Суя қувурлари батамом янгиланди. Ҳайвонот боғига кириш жойи ҳам замонавий тарзда бунёд этилган.

Қўш байрам арафасида Сурхон заминидан бўладиган яна бир тарихий янгилик шуки, Термиз шаҳри марказида Марказий Осиёда ягона бўлган археология музейи қурилиши ишлари поёнига етиб бормоқда. Ана шу музей рўпарасида, яъни «Алломийш» мажмуасида амфитеатр биноси ҳайратомуз тарзда кўзга ташланади. Бу ердаги қури-

лиш ишлари ҳам ҳадемай охирига етади.

Биласизки, қадимий Термиз ўзининг нодир тарихий обидалари билан дунёга доғду таратган. Термизнинг 2500 йиллиги муносабати билан Республика Вазиirlар Маҳкамасининг қарори чиққан эди. Шу қарорга кўра, Термиз ҳудудидagi Султон Саодат, Қоқилдор ота, Қирққиза, ал-Ҳаким ат-Термизий тарихий мажмуаларида таъмирлаш ишлари бошланиб кетди. Таъмирлашда 130 нафар тажрибали усталар қатнашмоқда. Бу оби-

даларда 270 миллион сўмлик таъмирлаш, ободонлаштириш ишлари амалга оширилиши кўзда тутилган. Ҳозирга қадар эса 150 миллион сўмлик иш бажарилди.

Тарих қайси бир маънода бизнинг қиёфамиз, маънавий томирларимиз, ҳаётбахш бўлишимиздир. Масаллага шу нукта назардан қарайдиган бўлсак, таъмирланаётган обидалар сурхондарёликлар учун ҳам, таъриф буюрадиган меҳмонлар учун ҳам олмас боболаримизнинг нақадар заковатли эканликлари билан ҳикоя

қилади. Сурхон воҳаси ўзининг бошқаларга ўхшамайдиган нобб санъати, маданияти билан ҳам жаҳоннинг назарига тушган. Масалан бугун «Бой-сун» фольклор-этнография дастаси оламга машҳур. Сурхондарё санъати тўғрисида ўқийдиган гулдастага ўхшайди. Чунки Саросиёдаги «Дашноб» фольклор-этнография дастаси Олтинсойнинг «Вахшивор» дастасига ўхшамайди. Айна пайтда Бойсун Термизга, Жарқўрғон эса Қизилқоқа ўхшамайди. Ана шу ўзига хос-

лик кишини мафтун этади. Муҳассисларимиз олмас тоғли қишлоқларда бўлиб, қариалар билан учрашиб ва сўхбатлашиб билишдики, халқ бир халқ экан. Биз энг яхши топилдиқларимизни саралаб, Ўзбекистон истиқлолининг ўн йиллиги тўғрисида махсус дастур тайёрладик. Бизни шу кўнларда бир нарсга қувонтириб турибди. Мустақиллик байрамининг Тошкентда ўтадиган тантаналарида сурхондарёлик санъаткорлар яна бир бор ўз маҳоратларини намойиш этадилар. Биз ҳар йилги Мустақиллик байрами шарофати билан миллионлаб одамлар-

нинг нигоҳидан, имтиҳонидан ўтамай. Лекин сурхондарёнинг чанқову ва думбираси кўпчилигининг эътиборини тортмишга шубҳа ҳам йўқ. Бундан ташқари аёлларнинг урчуқ ўйини ва йигитларимизнинг кўпқарис қўлчиликка манзур бўлади, деган умиддамиз. Саҳнада юртпарвар Алломийш ва садоқат тимсоли бўлган Барчинолар ҳам намоён бўлади. Хуллас, байрам дастурида вакиллари миз ўзига хос ва мос бўлган жиҳатлари билан кўзга яққол ташланади.

2001 йил — Оналар ва болалар йили



УЛУҒ ШОИР ОНАЛАР ВА БОЛАЛАР ҲАҚИДА

Ҳазрат Алишер Навоий барча эзгуликнинг манбаи бўлган оналарга жуда катта баҳо беради. Ўз газалларида фарзанднинг бахти келажагида ота-онанинг ўрни тўғрисида шундай ёзади:

Бошини фидо айла ато бошига,
Жисмини қил садқа ано қошига.
Тун кунингга айлагил нурфаш,
Бирисин ой англа, бирисин қуёш.
Яъни, фарзанд учун, унинг истиқболи учун ота-она қуёш ва ой каби зарур ҳамда бебаҳо эканлигини таъкидлайди.

Буюк шоир оналарни чинакам инсон ва яхши дўст сифатида улуғлайди. Ўз замонасида хотин-қизларга бир буюм сифатида қарайдиган кишиларни қоралайди. Она-ларнинг ҳуқуқини ҳимоя қилиб қиёда. Уларнинг ҳаётида тугган ўрни муҳим эканлигини кўрсатиб беради:

Яхши хотунлар сафойи сукудин,
Олам ичра гар ёруғлик бўлса фаш.
Йўқ ажаб, чунки араб алфозиди,
Истилоҳ ичра Муаннасур қуёш.

Шоир юқоридаги қиёда оналарни қуёш билан тенг-лаштириб, бу жамият давомийлигининг манбаидир, қуёш бўлмаса ҳаётнинг ўзи бўлмаслигини айтиш баробарида она бўлмаса тириклик йўқлигини таъкидламоқда.

Алишер Навоий ўзининг яна бир қиёсасида ҳаёли, ақли расо, ва одобли хотинларни ярамас эркаклардан афзал қўйиб:

Юз туман нопок эрдин яхшироқ,
Пок хотинлар обғининг изи,
— дейди. Ҳақиқатан ҳам поклик бу ҳаётнинг мазмуни-дир. Ҳамма ёмон ҳолатлар нопокликдан вужудга кела-ди.

Улуғ шоир бола тарбиясига ҳам катта эътибор билан қараган:

Хар кимнинг таврига лойиқ керак,
Сурати ҳолига мувофиқ керак,
Кимки улугроқ анга хизмат керак,
Улки кичикроқ анга шафкат керак.

Яъни, тарбияда катта-кичикликка, шахс характери-га эътибор бериш керак, дейилмоқда. Ота-оналар бу ҳолат-ни ҳисобга олиш лозимлигини уқитишмоқда.

«Мақбуб-ул-қулуб» асариди маориф, илм-фан, санъат ва адабиёт аҳлиларининг бурч ва вазифаларини талқин этади. Ўз соҳасини яхши эгалаб олган, зиммасига юклатилган ишга юзаки қарайдиган, мол-дунё тўплаш, мансаб ва мартабага эришиш васвасасига тушиб қол-ган кишиларни шафқатсиз танқид қилади. Навоийнинг уқитишчилик ўқиш ҳам, ўқитиш ҳам оғир ва масъулиятли иш. У кунт, ҳавас ва меҳнатни талаб этади. Болаларни саводли ва билимли қилмоқ учун ўқитувчи кўп заҳмат чекади. Ҳатто, биргина харфни ўргатган кишини ҳам доимо иззат, эҳтиром қилмоқ лозим.

Ҳақ йўлида ким сенга бир харф ўқитмиш ранж ила,

Айламак бўлмас адо онинг ҳақини юз ганж ила.
Ҳақиқатан ҳам Навоийнинг асарларида илгари сурил-ган гоилар абадийдир. У инсониятга мангу хизмат қи-лаверади. Шу жумладан, биз ҳоми инсонни тарбиялаш учун интилайдиган эканмиз, бу ишда ҳазрат Навоийнинг асарлари ҳам катта аҳамият касб этиши шубҳасиздир.

Мустафоқул КАРИМОВ,
Жиззах Давлат педагогика институтининг доценти.

СОҒЛОМ АВЛОД — СОҒЛОМ КЕЛАЖАК

ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси-да «Репродуктив саломатлик масалалари бўйича оммавий равишда маълумот тарқатиш борасида кўнгиллилар ҳаракатини шакллантириш» мавзу-ида семинар-тренинг ўтказилмоқда. Тўрт кун да-вом этадиган семинарда Хоразм, Самарқанд ви-лоятлари ҳамда Тошкент шаҳридаги Давлат ва жамоат таъкилотлари вакиллари қатнашмоқда. Шунингдек семинар-тренингга қатнашган Ўқув-рижадаги штаб-квартирасида жойлашган Ўқув-дастурлар бўйича бўлим раҳбари, халқаро мас-лаҳатчи, доктор Сабиха Саяд хоним таъриф бу-юрган.

Семинарни ўтказиш-дан мақсад, мамлакат-мидаги аёллар саломат-лигини яхшилаш, соғлом авлодни вояга етказиш, — деди Ўзбекистон ҳукумати билан ЮНЕСКО ва БМТ Аҳолишунослик жамғарма-си қўшма лойиҳасининг миллий мувофиқлаштирув-чиси Комилжон Аҳмедов «Туркистон-пресс» мух-бирига. — Бу ишда биз кўнгиллилар ёрдамида фойдаланамиз. Уларнинг вазифаси репродуктив са-ломатлик, контрацептив воситалар ҳақида ҳар то-монлама маълумотга эга бўлишдан иборат. Улар жойларда инсон саломат-лиги билан боғлиқ бўлган қатор муаммоларни ўр-ганиб чиқиш, таҳлил этади. Кўнгиллилар тўғридан-тўғри халқ билан бўлган мулоқотлари жараёнида берилган маслаҳатларни уларга етказиш имконига эга бўлади.

Тренинг давомида се-минар қатнашчилари Тошкент туманидаги туғруқ мажму-аси ва Скриннинг маркази-да бўлиб, шифокорлар би-лан учрашув ўтказди.

Шу асосда келгусида ба-жарилши лозим бўлган тадбирлар дастури, та-васиялар ва қўлланмалар яратилади. Бу кўнгиллилар-нинг репродуктив саломат-лиги бўйича халқ билан яна-да самарали ишлашига катта имкон беради.

«ТЕЗ ЁРДАМ»ДА ИШЛАР ҚАНДАЙ?

Самарқанд шаҳар 1-тез тиббий ёрдам муас-сасида 24 та шифокорлар бригадаси бўлиб, бир кеча-кундузда 300 та қаҳриқ буйича ишляпти.

— Бу осон иш эмас, — деди тез тиббий ёрдам му-ассасаси мудири Асета Мамбетова «Туркистон-пресс» мухбирига. — Аммо биз қаҳриққа ўз вақтида етиб боришга ҳаракат қилаямиз. Шунингдек, ўтган йиллардан фарқи равишда ҳозир беморлар ва ҳалокатга учраганлар марказлашган тартибда

битта шифохонага келтири-ляпти. Муассасамизнинг ил-мий-техника базаси эса ши-фокорларимизга ўз малака-ларини ишдан узмаган ҳолда ошириш имконини бермоқ-да.

«Тез ёрдам» хизматиди пуллик хизматларни жорий этиш кўзда тутилганим, де-ган саволга А. Мамбетова ушбу соҳага бизнес билан

шуғулланиш тўғри келмас-лигини айтди. — Бироқ ишимизнинг тезкорлигидан қўшимча даромад топиши-миз мумкин. Масалан, спорт тadbирлари, кон-цертлар, симпозиумларда «Тез ёрдам» хизматидан пул ўтказиш йўли билан фойдаланилса, ИХХ ходим-лари ва автомактаблар тингловчиларига пуллик тиббий ёрдам кўрсатиш йўлга қўйилса ёмон бўлмайди, — деди сўзининг якунида А. Мамбетова.

Тўқайдаги йўлбарсни энган пахлавон эмас, ўз нафсини тийган — пахлавон.

НАВОИЙ.

— Болаликдан ногирон икки фарзандим бор. Пен-сияга чиқишимда улар ҳисобга олинмадими?
Б. ТУСУНОВА,
Ангрен шахри.

— Болаликдан ногирон фарзандларнинг оналари уларни сакзиш йўлига тарбия-лаган бўлсалар, болани парваришлар учун кетган вақтни қўшиб ҳисоблаганда иш стажи камида 20 йил бўлса, у ҳолда қонун билан белгиланган пенсияга мўлжалдагидан 5 йил аввал чиқиш ҳуқуқига эга бўлади-лар.

— Нихосиз бўлган ўза-ро турмушдан фарзанд бўлса ва боланинг отаси вафот этса унга боқувчи-



сини йўқотганлиги учун пенсия тайинланмадими?

С. ГАНИЕВА,
Гулистон шахри

— Агар суд вафот этган шахсни боланинг отаси экан-лигини белгиласа қайд этил-маган никоҳдан тутилган бо-лага боқувчисини йўқотганлик пенсияси тайинлашни мум-кин.

— Пенсия олаётган фуқа-

роларнинг пенсия тури ўзгарганда белгиланган янги пенсия қачондан бошлаб тайинланади, му-рожаат этган кунданми?

К. МУРОДОВ,
Шўрчи тумани.

— «Пенсия таъминоти тўғрисида»ги қонуннинг 47-моддаси талабига биноан пенсия тури ўзгартирилган-да бир пенсиядан бошқаси-га ўтказиш тўғрисида пен-сия оғир ва бошқа ҳужжат-лар билан муурожаат этган кундан бир ой кейин амалга оширилади.

Саволларга жавобларни
Умиди БОЛЛИЕВА
тайёрлади.

Қамра ДУНЁНИ СУВ БОССА...

Ишхонамдан чикдиму
шошланганча уйга йўл ол-дим. Кўча одамлар билан
гавжум. Биров менга
ўшаб хизматдан қайтган,
бироз бозордан, ҳамма
ўзининг юмуши билан...

Автобусдан тушиб, ма-ҳалламизга кирдим. Кеч
кириб, ҳаво анча салқин-лашиб қолган. Тоза ҳаво-да
айланиб, ҳузур топа-диган пайт. Кўчада катта
ёшдаги одамларга қара-ганда ёш болалар кўп.

Уйимизга етмасдан да-рахт остига ўриндик ўрна-тилган. Ўриндикда доим
бир хил аёллар ўтириш-майдилар. Улар билан са-ломлашиб, дарвозамизга
етмасдан, бир қизча-нинг қаттиқ чинқириб йи-г-лагани мени хавотирга
солди. Йўлимдан тўхтаб
оркамга ўгирилиб қара-дим. Қизча ўтириб олиб
уввос солиб йиғлай бош-лади. Тепасида дугонаси
икки қўлини орқасига
қилиб, ниманидир ундан
яшириб, бермай турибди.

Дугонаси ўзини бундай
тутиб туришдан жудаям
қайсар қиз эканлиги би-линиб турарди. Аёллар
ҳам мен каби бошида
қизчанинг қичқирғидан
чўчиб, бир қараб олиш-дию, кейин яна парво
қилмай сўхбатларида да-вом этишди. Мен ўз-ўзимдан койиниб оркам-га
қайтдим ва қизчалар-ни бир-бири билан яраш-тириб, аввалгидек дугона
қилиб қўйдим.

Лекин мени бир нарсга
қаттиқ таажжублантирди:
мондан кўра шу қизчалар-га
қичқирқотган икки
аёлни бу ҳол нега ўзига
жалб қилмади? Саволим-га
жавоб тайин. Аёллар ўз
сўхбати билан банд эди-лар. Улар балки «Ха,
бола-да уришиб ярашаве-ради», деган ақидага
амал қилишгандир. Лекин
халқимизда яхши бир ма-қол бор.

«Бир болага етти
қўшини ота-онаник қила-ди».

Фарзанд тарбиясида
нафақат ота-онанинг, а-троф-муҳитнинг ҳам жуда
катта таъсири бор. Ме-нинг назаримда, ҳозирги
кунда шу таъсир ўз қу-чин йўқотиб бораётгандек,
Лоқайдик эса одамзот-нинг
дўшмани... «Дунёни
сув босса, ўрдакка не-ғам» бўлмаслиги керак-да!

Вилоят ШОДИЕВА.

ЎЗБЕКИСТОН МАРДЛАР ЮРТИ

(Кўшиқ)

Юртни севиб яшамоклик марднинг иши,
Элни олға бошламоклик марднинг иши,
Кўйиб, ёниб яшамоклик марднинг иши,
Мурд ўғлонлар юртидир хур Ўзбекистон!

Гар ёв келса мард йигитлар бўлур қалқон,
Ҳамла қилса, тоғ тиз чўкиб, бўлур талқон,
Ёв зарба еб, буридан қон бўлур вулқон,
Пахлавонлар юртидир хур Ўзбекистон!

Мард сўз берса, сўздан асло қайтмағайдир,
Маъқул бўлмас сўзини асло айтмағайдир.
То тирикчи, элу юртин сотмағайдир,
Қахрамонлар юртидир хур Ўзбекистон!

Сафар кетса, омон бўлгин элим, дейди,
Ватан, сенга доғ туширсам ўлим, дейди,
Сиринг очсам, шарт кесилсин тилим, дейди,
Пахлавонлар юртидир хур Ўзбекистон!

Кўкрак кериб яшамоклик мардларга хос,
Истиқлолни асрамоклик мардларга хос,
Мамажон ҳам содиқ фарзанд, сўзлари рост,
Қахрамонлар юртидир хур Ўзбекистон!

ЖОН ФИДО

Пойтахтдир Тошкентим, жон Ўзбекистон,
Фурурим, сурурим, жон Ўзбекистон,
Ўзинг бек, ўзингсан хон Ўзбекистон,
Қалбларинг қарори — чин аҳду паймон,
Дегайман жон фидо эй Ўзбекистон!

Муқаддас Ватаним, боғу бўстони,
Гулларга бурканган, чин гулистони,
Орзулар битилган сирли достони,
Баҳодир фарзандлар келтириб иймон,
Дегайман, жон фидо эй, Ўзбекистон!

Кальмар мустаҳкам, сергак посбонинг,
Байрогинг хилпирар, тинчдир осмонинг,
Комусинг қалқондир, бутундир нонинг,
Белларда куч-қувват, тилимиз байрон,
Дегаймиз, жон фидо эй Ўзбекистон!

«Оқ олтин», соф олтин — қаттадир имкон!
Тим «қора олтин»нинг фаввора вулқон,
Омборда ўз донинг, чош қилди дехқон,
Юксалиб, камол топ, қойилдир жаҳон,
Дегаймиз, жон фидо эй Ўзбекистон!

Сен буюк Ватансан — падар, онажон,
Сен суюқ Ватансан — азиз, жонажон,
Омон бўл, олға бос, сафда Мамажон,
Баҳодир фарзандлар тиз чўкиб ҳар он,
Дегаймиз, жон фидо, эй Ўзбекистон!

Мамажон ХОЛИКОВ.



ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ
БАНКИ АХБОРОТИ
Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2001 йил 14 августдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистика ва бошқа ҳисоботларни қўйиш, шунинг-дек, бошқона тўловларни ўқув хори-жий валюталарнинг сўмга исбатан қийимини қийимати билан берди.
1 АҚШ доллари
411 сўм 01 тиын қилиб белгиланди.



Миллий матбуот марказида

ШАҲИДЛАР МУҲИНИ ШОД ЭТМОҚ УЛУҒ САВОБ

Қаламқашларнинг сеvimли даргоҳи Ўзбекистон Республикаси Миллий матбуот марказининг муҳта-шам залида журналистлар билан мулоқот бўлди. Му-лоқотни Миллий матбуот маркази раҳбари, таниқли журналист Амиркул КАРИМОВ очди. У қисқача ки-риш сўзида «Қаҳотгон қурбонларини ёд этиш кун» ва «Хотира ва қадрлаш кун» алоҳида-алоҳида ўт-казиладиган тадбир эканини уқитиб ўтди.

Жорий йилнинг биринчи майда эълон қилинган «Қа-тагон қурбонларини ёд этиш кунини белгилаш тўғрисида»-ги Президент Фармонининг тарихий аҳамияти ва ушбу Фармондан келиб чиққан му-ҳим вазифаларнинг қандай ба-жарилаётгани хусусида «Ша-ҳидлар хотираси» ҳайрия жа-мғармаси раиси Найм Ка-римов ахборот берди. У шу кун-гача амалга оширилган сава-бли ишлар ва келгусида сава-бли ишлар муҳим бўлган вази-фалар хусусида тўхтади.

Давлатимиз раҳбари қа-тагон қурбонларини хотирасини эъзозлашни, уларнинг ибрат-ли умрлари ва мустабиллик тузумига қарши курашдаги қахрамонликлари хусусидаги тарихий ҳақиқатни адолат тар-зисига солиб ўрганишни муҳим аҳамияти хусусида бежиз жон қуйдирамаст. Аждодалари, ота-боболарини эъзозлашган, улар-га ҳурмат баҳо келтирмаганлар ватанига содиқ фарзанд бўла ол-майди.

Найм Каримов журналистлар ҳузурда сўзлар экан ўзи раҳ-барлик қилаётган жамғарма ташкил этилганига икки йил бўлсада, талайгина ишларни амалга оширилганлиги хусусида ахборот берди. Айрим оммавий ахборот воситаларида бу мавзу камроқ ёритилганлигини уқит-ди.

Ошқора руҳда ўтган матбуот анжуманида республика «Тасви-рий ойна» уюшмаси раиси Ис-кандар Латипов, Ўзбекистон

Республикаси Оммавий ахбо-рот воситаларини демократ-лаштириш ва қўлаб-қувватлаш жамғармаси раиси Хуршид Дўстмуҳаммад ва бошқалар сўзга чиқдилар.

Ҳа, матбуот анжуманида 1898 йилда мустамлакачиларга қарши «Андижон қўзғолони»-га бошчилиқ қилган Муҳаммад Али халфа Собир ўғли (Дукчи Эшон)нинг номини абадий-лаштириш хусусида фикр бил-дирилди. Шунингдек, Тош-кентдаги 1999 йил 16 февраль воқеалари вақтида бетуноқ қур-бон бўлган — шаҳид кетганлар хотираси учун Тошкентнинг кўзга қўринарли жойида Хоти-ра мажмуи ўрнатилса, жаҳр-дийдаларнинг руҳини кўтари-ларди, деган фикрлар ҳам баён этилди.

31 август кун Тошкентда-ги «Шаҳидлар хотираси» маж-муида қатогон қурбонларини ёд этиш маросими ўтказилиши ҳам тарихий воқелик бўлади.

Дилмурод ҚИРФИЗБОВ,
«Адолат» мухбири.

ЗАНГИОТА

Тошкент вилоятида, Зангиота қишлоғида, кат-та йўлнинг шундай чеккасида Зангиота мақба-раси жойлашган. Зангиотанинг асл исмлари Ой-хўжа ибн Тошхўжа бўлиб, ул зот Аҳмад Ясса-вийнинг муриди эдилар.

Тарихий маълумотларга қараганда, Зангиота Хўжа Ҳаким ота (пирларидан ди-ний билимларни олиб, шу билан бирга мустақил ақл ва илм ҳосил қиладилар. Ҳаким отанинг асл номла-ри Сулаймон Боқироний бўлиб, у зот сўфий шоир бўлганлар, Аҳмад Яссавий-нинг халифаси эдилар. Ҳаким ота вафот этганла-ридан кейин, орадан маъ-лум вақт ўтган Зангиота у зотнинг бевавали бўлмиш биби Анбара Хоразмга со-ви ижораларидан ва ўз ни-коҳларига оладилар. Анбар-бонудан бир неча фарзан-длар қурадилар.

Зангиота милодий 1258 йил (хидрий 656) вафот эт-ганларида юқорида айтил-ган қишлоққа дафн этила-дилар. Бу мақбара Туронда-ги аждоҳ ахбори тарихий ва меъ-морий обидадир. У XIV ас-рининг 80 йилларида қурилган. Бу ҳақдаги бир ривоятда, Амир Темури Яссавийнинг қа-бирини зиярат қилгани келади ва қабр устига мақбара қуришга фармони олий бера-ди, усталар ишга киришадил-лар, лекин ҳар кун кечаси де-вор кулаб тушаверади. Бу қизиқ бир синаот эди. Шунда Аҳмад Яссавийнинг рухлари пайдо бўлиб, мендан аввал шойлик (тошкентлик) Занги-ота (Ойхўжа)га мақбара қури-н-глр, деган эканлар. Бу воқе-адан кейин Ясси шаҳридан Зангиота мақбарасигача одамлар қатор туриб гишлар-ни қўлма-қўл узатишиб та-шишган эмиш.

Зангиота қабрини меъмо-

рий обидалар мажмуи ҳам дейилади. Зеро, у дарвоза-хона, минор-мезонча, мас-жид, мадраса, хонақоҳ, ший-пон, ҳовуз, Зангиота ва ум-рдшошлири Анбарбону мақба-раларидан ташкил топган. Олимларнинг фикрларича, мақбара услубий жиҳатдан Самарқанд шаҳридаги оби-даларга ўхшашиги чиндан-да, унинг Амир Темури бо-бозид томонидан қурилган-лигидан далолат беради.

Зангиота қўй боқиб, мол-хол билан шуғуллангани учун бўлса керак, уни айрим тарих ҳужжатларида ва халқ наздида подачиларнинг хо-мийси — пири дейдилар.

Азиз-авлиёларнинг боқий манзиллари нузли, обод, марҳаматли бўлиб, пок рух-лари биз гуноҳкор банда-ларга Аллоҳ ато этган хидо-ят йўлида мададкор бўлсин!

Бутун Хоразмда фаолит кўрсатаётган қатор саноат корхоналари республикамизнинг иқти-содий салоҳиятини оширишга хизмат қилмоқ-да. Уларнинг орасида Хоразм ил йигируа фаб-рикаси алоҳида ажралиб туради. Унда асосан гилам тўқиш учун қалава ниллар тайёрланади. Асосан хотин-қизлар меҳнат қилаётган бу жа-молада улар учун барча шароитлар яратилган. Шунинг учун ҳам илчи-хизматчиларнинг ютуқ-лари салмоқли бўлиб борапти. Алий пайтда

фабрикада гилам тўқиш дастдоҳларини ўрнатиш қизғин амалга оширилмоқда. Ҳадемай бу туфай-ли жамолада яна бир имконият юзга келади — гилам ишлаб чиқариш йўлга қўйилади.

Шунингдек, корхона қонида Германиянинг «Тексент» фирмаси билан ҳамкорликда қўшма корхона ҳам ташкил этилаётган.

СУРАТДА: фабриканинг илгор ил йигирувчи-ни Дилфуза Ёқубова.

«Тез ёрдам» машинаси-нинг врач беморни қўриб бўлгач, ҳаммасига деди:

— Е меннинг соатим тўхтаб қолган, ё у аллақандай ўлган.

— Менга ёзиб берган дорингизни ичмаша улгур-масимдан ҳаммасини қайт қилиб ташладим.

— Қайт қилганингиз ду-руст бўлибди. Чунки дори ичмаша эмао, баданингиз-га суртишга берилганди.

Касалхонага қўли майиб аёлни олиб келишди:

— Врач уни кўрган, ажабла-ниб, елкасини қисди:

— Ҳеч нарсаси тушуна ол-маяман. Сизни нима бун-чалик қонди. Тишларнинг изига қараганда, улар от

тишларидан кичкина, итники десам, ҳиддан ташқари катта. Нима қонди ўзи?

— Қўшини аёл...

— Бошим жудаям қаттиқ огрийпти.

— Кўпдан бери огрийди-ми?

— Назаримда, тутилган-нимдан бери.

— Хурматли нотариус, жа-ноблари, васиятноманинг охирига тобитуни кўтари-шайтанда оркестр чалиб ту-рилиши шартлигини қўшиб қўйсангиз.

— Бу ўз-ўзидан маълум нарсаси-ку! Факат айтгин, қанақа қўйни эшитмоқчисиз?

— Парижда практика ўтказётган тиш доктори муҳбирлар билан ўз фикр-мулоҳазаларини уртокла-шар экан, деди: — Соқол-дор беморларни мен ба-жонидил даволайман. Уларнинг тишларини суғу-раётганда соқолларидан уш-лаб турши қулай-да.



Мустақилликни орзиқиб кутганлар каломи:

ЮРТИМИЗ ТИНЧ, ЮРТБОШИМИЗ ОМОН БЎЛСИН



Боболаримиз яратган хазиналар дурдоналарини илму холислик билан ўрганган, бобокалонлари урфий амалларини қадрлаган, маънавий ва маданий меросларни эъзозловчи, ҳалоллик ва покизалик, самимият ва очиқдилликни ўзининг ҳаёти мазмуни деб билган табаррук инсон Ўлмас Машариповдир.

Ўлмас ота Ватанга содиқ хизмат қилишга, эли-юрти дардини енгилатишга, муҳтожларга муруват қилини чўзишга одатланган меҳри дарё инсон. Э-ҳа, бу дунёга келиб Ўлмас ота не машаққатларни бошидан кечирмади, дейсиз.



«Худо ярақаннинг давлати ҳам беҳисоб бўлади» дейдилар. Ўлмас отанинг падари бузуқвор Тошмуҳаммад ота мингбоши — давлатманд киши бўлган. Зиёли, муруватли, меҳнатсевар, элини севадиган азиз инсон бўлганини қариялардан кўп эшитганмиз. Бундай инсонларнинг тақдирлари аянчли кечди. Киндик қони тўкилган юртлардан узоқ-узоқларга қулоқ қилинди. Очлик, қийинчилик, гам андуҳларга гирифторм бўлганларнинг азиз жонлари қаер-қаерларда қолиб кетди. Фарзандлари эса «қулоқнинг боласи» деб туртиб-суртилди. Ўлмас отанинг ҳам тақдирига шундай тағма босилганди. Қийналди, чидади. Ёруғ кунларни кутди. Шундай кунлар келди. Мустақил бўлди.

Унинг онаси ҳам жаннатга аёллардан деб билармиз. Муниса онахон ўн уч нафар фарзанд қўриб, уларни ўн иккитасини гуақлигидаёқ қаберга қўйиб, юраклари қон бўлган. Фарзанд доғида куйган. Худойимдан тилаб-тилаб олган боласи Ўлмасжон яшаб кетди. Вояга етиб, онасининг хизматларини қилди. Ўзининг қорига ярайдиган бўлиб улғайди.

Тошкент вилоятида Ўлмас Машарипов ҳақида гап кетса, ҳамма «ниҳоятда яхши одам» деб тилга олишади. Журналист сифатида ўзим ҳам мана ўн беш йилдирки, Ўлмас ота билан тез-тез учрашиб тураман. Эллик йил-а, эллик йил. Ўлмас ота ярим асрдан бери турли қорхоналарда биринчи раҳбарлиқнинг аччиқ-чуқуқларини тотиб келаётди. У эллик йилдан бери халқ депутати. Эл-юрти хизматиди.

Зугумли йиллар — собиқ иттифоқ даврида адолатсизликлар кўп бўлди. Қаранг-а, «қулоқни боласи» деб 1953 йилгача яшаб жойидан ўттиз километр масофадан узоқ жойга чиқишга ҳаққи ҳам бўлмаган. Мустамақкачилик даврида навиқрон ёшлик йилларини қийинчиликларда ўтказди. Сабрнинг тағи олтин, деб донолар бежиз айтишмаган. Ишнинг кўзини билиб, инсоф-диёнат чегарасини бузмасдан меҳнат қилган Ўлмас ота бутун пирю бадавлат.

Нуроний қиёфаси ўзига ярашиб турибди. Ўн бир нафар фарзандни тарбиялаб-ўстириб, вояга етказди. Улардан саккиз нафарини олий маълумотли қилди. Ҳамма фарзандлари оқил ва оқила. Ота изидан бориб, элнинг дуосини олиб, отасининг умрини узоқ қилишгаётди. Отаҳонимиз неваро-чевараларига яхшиликдан ўғит беришда. Меҳр нури билан уларни тарбият қилмоқда.

Ҳа, ақлини танибдики, у мустақилликни, мустақил сўзлашни, мустақил иш юритишни орзу қилган эди. Мана, ўн йилдирки, унинг пешонасида офтоб ярақайибди. Диллари ором олаётди. Ўзбекистонимизни мустақил кўраман деган улғу ният-

ларига ета олмай кетганларнинг руҳларини Ўлмас оталар шод этаётди.

«Шоҳнинг одил, савдогаринг саҳий бўлса, юртинг обод бўлур» деган широр Ўлмас ота Машарипов раҳбарлик қилаётган О. Бекхўжаев номи нон қорхонасига катта-катта ҳарфлар билан ёзиб қўйилган. Бу ҳаёт ҳикмати.

— Бизга Олдохнинг ўзи берган Президентимиз бор, — дейди Ўлмас ота. — Ўн йилда Ўзбекистонимизни жаҳонга танитди. Чет элликлар келиб Ўзбекистонимизда хизмат қилишгаётди. Ўзи ҳам манамен деган юртларнинг подшоҳлари билан бир қаторда ўтиради. Қўрғанда бошим осмонга етди, гуруримга гурур қўшилади. Ўзбекистонимизнинг қайси гушасига бормаилки, жаҳон андозалари даражасида бўлиб этилган муҳташам бинолар, довлонлардаги равон йўллар, кўприклар қурилганини кўраимиз. Азим Тошкентга бир келинг, ўзгаришларни кўриб ақлингиз шошиб қолади. Бу эзгу ишларнинг бошида — Юртбошимиз турибдилар. Ниятларимиз улғу. Олдохнинг назари тушган юртимизни ривожига Олдохнинг ўзи мадақкор бўлсин.

Туманимиз ҳам кун сайин гулларга бурканаётди. Ўтганларнинг муқаддас номлари эъзоз топаётди. Уларнинг руҳи қўллаб топганларимизга барака киратири. Нонни азиз билиб уни эъзозлаб ўзимиз ҳам ҳурмат топаётимиз.

Ҳа, Ўлмас аканинг қадами теккан жойда гуллар унади. У эккан дарахтлар кўпроқ гуллади.

У раҳбарлик қилаётган қорхона ютуқларини сўзларга жамласак саҳифалар тўлиб тошади. Унинг муруватли ва саҳоватли ишларини ёзсак рисолалар пайдо бўлади.

Мен ҳам Ўлмас акани ҳаёт устозим дея оламан. Одамларга яхшилик ва яна яхшилик қилишни, йиқилганини суяшни, дарди борининг кўнглига малҳам беришни, зорикқанга ёрдам қилини чўзишни, саҳоват кўчасидан кўпроқ юришни ундан ўрганаётиман.

Ҳар гал Янгйўлга борсам Ўлмас акани кўриб қайтаман. У матбуотни жуда қадрлайди. Кўп ўқийди. «Адолат» газетасида жуда кўчи мақолалар беришлар, ўқиб хурсанд бўлиш, деб бизни руҳлантириди.

Ҳа, зиёлиларни эъзозловчи, маънавиятнинг юксак қадрловчи, юртини азиз билиб, тупроғини кўзларига тўтиб қилувчи Ўлмас ота ҳақида китоблар ёзилади. Хайр-хуш олдидан у шундай ният қилди:

«Юртимиз тинч, Юртбошимиз омон бўлсин! Топганларимиз яхши кунларга ва тўйларга буюрсин. Да-стурхонларимиз нонга тўлиб тошсин».

Уринбой КЕНЖАЕВ,

«Адолат»нинг махсус мухбири.

ПОЛВОНЛАРНИНГ БАЙРАМ СОВҒАСИ

Ўзбекистонда яна бир спорт байрами юксак савияда ўтказилди



Мамлакатимиз пойтахтидаги «Ўзқўрғазмасавдо» марказида эркин ва юнон-рум кураши бўйича ўтказилган IX жаҳон чемпионати ҳаммамизни чексиз ҳаяжонга солди. Айниқса, юртдошимиз Дилшод Мансуровнинг унда зўр маҳорат кўрсатиб, грузиялик рақиб Бесарион Гочашвили устидан галаба қозонгани ва жаҳон чемпиони бўлганини барча спорт мухлислари зўр шодибна билан олқишладилар. Ўзбекистон спортчи яна бир олтин

ни айниқса мени қувонтирди. Ўзбекистон қисқа вақт ичида спортга энг яхши муносабатда бўлган давлатлар қаторига қўшилди. Курашчиларингиз йилдан-йилга катта маҳорату ва улкан имкониятлар манбаини намойиш қилишмоқда. Давлатингиз раҳбарлари энг йирик, юксак савияли халқаро тадбирларни ташкил қилиш ва ўтказиш юзасидан кенг миқёсдаги вазибаларни муваффақиятди хал қилмоқдалар. Бундан



медал билан бойиди.

Бир қатор оммавий ахборот воситаларида алоҳида эътироф этиб ўтилганидек, ўзбекистонлик ёш полвоннинг бу қўлга киритган ютуғи илк галаба эмас. Дилшод авваллари ҳам халқаро миқёсда катта галабани қўлга киритган. У 1999 йили Сиднейда ўтказилган жаҳон чемпионатининг қумуш медали соҳиби, шунингдек, Бутунжаҳон ёшлар ўйинларининг қолиби бўлган. Шу йилнинг 9—13 август кунлари мамлакатимиз пойтахтида бўлиб ўтган мазкур чемпионатда ҳам Дилшод Мансуровнинг қўлга киритган олтин медали мустақиллигимизнинг 10 йиллик байрамига қилинган ўзига хос тўёна ҳамдир. Яна бир ҳамюртимиз Музаффар Абдурахмонов ҳам чемпионатда дадил курашга тушиб, шохсупанинг иккинчи поғонасига чикишга эришди.

Чемпионат қатнашчилари ва спорт ишқибозлари FILA президенти Милан Эрцеганнинг чемпионат қатнашчиларига йўллаган табригини ҳали ҳам алоҳида мамнуният билан эслашмоқда. Унда жумладан қуйидаги оташнафас сатрлар битилган эди.

«Ёшларнинг бу чемпионати қувончли ва масъулиятли ҳодиса бўлди. Уни ўтказишга Ўзбекистон ўз номзодини тақлиф қилга-

фақат қувониб керак. Менга мамнуният бахш этадиган яна бир нарсаси шуки, Ислам Каримов FILA нинг олий мукофоти — «Олтин маржон»га лойиқ деб топилди. Чемпионат ташкилотчиларига уни муваффақиятли ўтказишларини, қатнашчи спортчиларга эса ажойиб галабаларни, ўз маҳорати, бутун имкониятларини намойиш этишларини тилайман».

Бу истаклар жаҳон чемпионатида тўла оқланди. Мазкур спорт байрами юртимизда жаҳон андозалари асосида юқори савияда ташкил этилди. Чемпионат якунида иштирокчилар Ўзбекистонда спортни ривожлантиришга қўшаётган катта ҳиссаси, ушбу мусобақани юксак савияда ўтказиш учун ҳар томонлама қўллаб-қувватлаганига миннатдорчилик тариқасида мамлакатимиз Президенти Ислам Каримовга муножаатнома қабул қилишди.

СУРАТЛАРДА: эркин ва юнон-рум кураши бўйича ўтказилган IX жаҳон чемпионатидан лавҳалар.

Абдуғани ЖУМАЕВ ва Индира ХУДОЙБЕРГЕНОВА олган суратлар.

ЧИНИҚҚАНЛАР ТОЛИҚМАЙДИ

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, бу мактабда ўқув жараёни амалий машғулотлар билан биргаликда ўтказилади. Олий малакали ўқитувчилар уста ўргатувчилар билан ҳамкорликда иш олиб борадилар. Мактабда замонавий ўқув базасига эга. Мактабда замонавий синфхоналари, амалий машғулот хоналари, шунингдек, ўқувчиларнинг бўш вақтларини мароқли ўтказиш учун кутубхона, шахмат, шашка, каратэ тўғралиқ мунтазам ишлаб турибди. Курсантлар ўртасида ҳар хил мавзуларда суҳбат, савол-жавоб кечалари, спорт, техника соҳасида кўрик-танловлар ўтказилиб турибдики, бу тадбирлар уларнинг билим савияси ва касб маҳорати янада оширишда кўл келмоқда. «Ўз ҳуқуқингизни биласизми?», «Хушёрликка даъват», «Соғломлаштириш дастури» бўйича вилот миқёсида ўтказилган мусобақаларда улар қўлга киритган ютуқлар фикримиз далилидир.

— Бизнинг вазифамиз ёшларни ҳайдовчиликка ўргатиш баробарида уларни чиникитириш, баркамол, ватанпарвар, фидойи қилиб тарбиялашдир, — дейди биз билан бўлган суҳбатда автомобилчилар мактаби раҳ-

бар Шухрат Ҳамроев. — Ахир йигит кучли, соғлом, мард ва жасур бўлсагина толиқмайди. Ҳар қандай оғир-енгил ишларга ҳам елка тутаверади.



Бир сўз билан айтганда, жамоамизнинг асл мақсади, ёш курсантларга автомобилларнинг тузилишини, йўл ҳаракати қоидалари ва ҳаракат хавфсизлиги асосларини чуқур ўргатиш. Бунинг учун эса бизда барча имкониятлар

бор. Масалан, йўл белгилари, светофорлар электрлаштирилган бўлиб, уларни ўқитувчи стол олдидаги тумачалар орқали бошқарилади. Шунингдек, автомобилдан фойдаланиш чоғида уларга техник қаровлар ўтказиш учун алоҳида лаборатория хонаси мавжуд. Бу ерда 5 та «Урал» ва 2 та «ЗИЛ-131» автомобиллари бўлиб, курсантлар уларни жойида ўқитиб, ишлатадилар. Ҳа на-

билан қад ростлаган бу мактабда ҳозиргача минглаб ҳайдовчилар тайёрланди. Ўқув масканига Каттақўрғон шаҳри ва тумани, Иштихон ва Нарпай туманлари томонидан йўлланма билан келган йигитлар ҳам тахсил олишиб, автомобилни бошқариш сир-синоатларини обдон ўрганишар эди.



вбатиди бу техникаларга техник хизмат кўрсатиш турларини амалда бажариб кўрадилар.

Тўғри, бу масканда бажариладиган амалий машғулотлар ҳар бир ёш курсантнинг ҳар жиҳатдан бақувват, энцил бўлишига қаратилган. Спорт майдончаси ҳам киши руҳини ўзига тортади. Бу ерда тўсиқлардан ўтиш, турникка, арқонга тортилиш, футбол,

волейбол ўйнаш мумкин. Ҳа, наватбиди ўқув машқула-ри масканнинг мавжудлиги ўргатувчи ва ўрганувчилар учун ҳаракат хавфсизлиги нуқтаи назаридан қўлайликлар туғдиради. Ҳар бир ўқувчи автомобил бошқаришнинг 13 соатини очик масканда ўтади.

Сўнгра қолган қисмини ДАН ҳодимлари билан келишилган ва мактаб бошлиғи томонидан тасдиқланган йўналишлар

бўйича давом эттиради. Бунда улар камқатнов, серқатнов транспорт оқимларида ҳаракатланадилар. Керакли кўнликма ва тажрибага эга бўлгандан сўнг колонна таркибиди 100 километрли марш-шўти ўтқизилди.

Халқимизда «Обрў осмондан тушмас, меҳнатдан келар», — деган нақл бор. Шўх-ратжон ҳар гал бирор эзгу ишга қўл урганида раҳматли отаси Шакар Ҳамроевнинг юқоридаги сўзларини эслайди. Тўғрида, астойдил қилинган меҳнат тўғрисида у жамоа орасида обрў-этибор топмоқда. Онаси Биби-сора она ўғлини ҳар тонг ишга узатган ва ишдан қай маҳал қайтганда ҳам дуо билан қарши оларкан, уни «Болам, пок, диёнатли, меҳр-муҳаббатли бўлиб юр» дея алқарди. Зеро, она амри вожиб.

Аскар ЖАЛИЛОВ.
«Адолат» мухбири.
СУРАТЛАРДА: автомобил мактаби раҳбари Шухрат Ҳамроев ўқитувчилар билан келгусидаги режалар ҳусусида суҳбатлашмоқда; мактаб ўқитувчиси Абдурахмонов Қодировнинг машғулотлари доимо шундай қизиқарли ўтади.

«Адолат» газетасининг наватбадаги сони 29 август кунин чиқади.

ИЧКИ ИШЛАР ХОДИМЛАРИГА

Нигоҳлари бурғутнинг кўзи,
Ҳамла қилса, арслоннинг ўзи,
Фақат, фақат адолат сўзи,
Сохибқирон сўзи мадақдор,
Ички ишлар ходимлари бор.

Савлатига ярашган либос,
Одимлари Алломишга хос,
Кўпчиликка касб отамерос,
Олқишларга бўлган сазовор,
Ички ишлар ходимлари бор.

Лоқайдликдан ҳаёти йирик,
Садокати йўлида чирок,
Интизомли, талабчан бирок,
Шеърлар ёзар, ҳофиз санъаткор,
Ички ишлар ходимлари бор.

Юрт ишқиди ёнмоғи тайин,
Хушёр тортар сония сайин,
Суянчи ҳам, ишончи қонун,
Қабоҳатга ясаб қўйган дор,
Ички ишлар ходимлари бор.

Ёвуз қўрқар жасоратидан,
Тахсинлар кўп маҳоратидан,
Қочиб бўлмас назоратидан,
Улар билан тинчлик барқдорор.

Нуриддин АМИНЖОН.

ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН!

«Адолат» газетаси жамоаси «Туркистон-пресс» нодавлат ахборот агентлиги Бош директори Зафар Розиевга отаси

Рўзи ҚОДИРИЙНИНГ вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

«Адолат» газетаси жамоаси «Шарқ» нашриёт-матбаа акционерлик компанияси газетаси саҳифалаш цехи саҳифаловчиси Бахтиёр Қўшоқовга уқаси

Бобур ҚЎШОҚОВНИНГ бевақт вафот этгани муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.



Муассис:
Ўзбекистон
«Адолат»
СДП Сийсий
Кенгаши ва
«Адолат»
газетаси
ижодий
жамоаси.

Бош

муҳаррир:

Тўхтамурод ТОШЕВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Т. О. ДАМИНОВ, А. Ф. ҒУЛОММАХМУДОВ,
А. ЖҲАБОВ, Р. З. АХМАДАЛИЕВ (Бош
муҳаррир ўринбосари), Р. Р. ҲАЙДАРОВ,
К.РИХСИЕВ (Бош муҳаррир ўринбосари)
Д. К. ҚИРҒИЗБОВ (булим мудири), Р. АЗИ-
МОВ, Т. И. ЭРҒАШЕВ, А. МАМАЖОНОВ,
У.Ф. ЖҲАБОВ, Н. НУРМАТОВ, М. КАЛОН-
ХОНОВ.

Мулоқот учун телефонлар:

Қабулхона — 133-41-89.
Хатлар ва шикоятлар
бўлими — 136-55-64.

Наватчи —
Илхом СИДДИКОВ
Саҳифаловчи —
Қодиржон ҚАЮМОВ

Газета Ўзбекистон
Республикаси Давлат
матбуот қўмитасидан
140 рақам билан
руйхатдан ўтган.
Буюртма Г — 2736,
ҳажми — 2 табоқ.
Офсет усулида
босилган.
Қўғоз бичими А—2
Газета IBM
компьютерда
терилди.

Мақолада келтирилган факт ва рақамлар учун
факт муайянлар жавоб берадилар.
Қўғозмалар муайянларга қайтарилмайди.

«Шарқ» нашриёт — матбаа акционерлик компанияси
босмаханасида чоп этилган.
Қорхона манзили: «Бунқ» Тўғрор кўчаси, 41.

Босишга тўғривор вақти—20.00. Босишга тўғривор вақти—20.00.

МАНЗИЛИМИЗ:
700047, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси-32.